

VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь–декабрида 9738,4 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт – 2870,3 млн. АҚШ долларни, импорт - 6868,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси минус 3997,8 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан минус 1569,9 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан минус 2427,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

**Тошкент шаҳрининг ташқи савдо айланмаси
(январь–декабрь)**

	млн. АҚШ доллари	2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан, % ҳисобида	Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	9738,4	115,4	100,0
МДҲ давлатлари	3780,8	127,2	38,8
бошқа давлатлар	5957,6	109,0	61,2
Экспорт	2870,3	105,8	100,0
МДҲ давлатлари	1105,4	102,6	38,5
бошқа давлатлар	1764,9	108,0	61,5
Импорт	6868,1	119,9	100,0
МДҲ давлатлари	2675,4	141,1	39,0
бошқа давлатлар	4192,7	109,4	61,0
Сальдо	-3997,8	x	x
МДҲ давлатлари	-1569,9	x	x
бошқа давлатлар	-2427,9	x	x


**МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуси
(январь-декабрь)**



Тошкент шаҳарининг 2018 йил январь-декабрь холатига ташқи савдо айланмасидаги улусининг 38,8 % МДҲ давлатларига туғри келади қолган 61,2 % бошқа давлатлар ҳиссасига түғри келади. Бу курсаткичлар 2017 йилда мос равишда 35,2 % МДҲ давлатларига туғри келган бўлса қолган 64,8 % бошқа давлатлар ҳиссасига түғри келди. Тошкент шаҳарнинг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг январь-декабрь холатига 3780,8 млн АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27,2 фоиз ўсиш кузатилган. Шундан экспорт 2,6 фоизга ўсан бўлса, импорт 41,1 фоизга ўсан.

МДҲ давлатлари орасида Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий хамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуси 35,8% ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Афғонистон, Германия, Латвия, Литва, Ҳиндистон ва АҚШ давлатлари ҳисобланади.

**Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта
улушга эга бўлган давлатлар, фоизда
(январь–декабрь)**



Тошкент шаҳарининг 2018 йил январь-декабрь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (23,3 %), Россия (23,1 %), Қозогистон (8,5 %), Туркия (4,9 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 59,8% ни ташкил қиласди.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозогистон, Туркия, Афғонистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 72,5 % ни ташкил қиласди, импортда эса ҳамкор давлатлар Хитой, Россия, Қозогистон, Туркия, Германия, АҚШ давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 68,4 % ни ташкил қиласди.

**Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасида нисбатан катта
улушга эга бўлган давлатлар**
(январь–декабрда)

(млн. АҚШ доллари)

	<i>Экспорт</i>	<i>Импорт</i>	<i>Товар айланмасидаги улуси, % ҳисобида</i>
Хитой	797,4	1474,8	23,3
Россия	594,7	1653,9	23,1
Афғонистон	365,0	1,4	3,8
Қозоғистон	189,6	637,5	8,5
Тожикистон	133,5	47,9	1,9
Туркия	133,0	339,8	4,9
Қирғизистон	66,6	43,3	1,1
Жанубий Корея	59,4	210,0	2,8
Буюк Британия	43,0	52,3	1,0
Украина	38,8	181,6	2,3
Германия	35,3	341,8	3,9
Туркманистон	33,1	16,0	0,5
Франция	26,3	82,6	1,1
АҚШ	25,3	247,7	2,8


Тошкент шаҳрининг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар групхлари бўйича ўсиши кузатилмоқда. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,8 % фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 146,9 % фоизга, энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари 113,7 % фоизга ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 35,1 % фоизни машина ва асбоб-ускуналар ва 20,6 % фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қиласди.

Экспорт ва импорт таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажсимидағи улуши, фоиз ҳисобида		<i>2017 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил январь-декабрь</i>	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	105,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	3,0	4,2	146,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,1	5,7	193,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	5,4	5,8	113,7
қора ва рангли металлар	3,8	2,6	72,3
машина ва ускуналар	5,1	3,4	71,4
хизматлар	68,6	67,1	103,6
бошқалар	11,0	11,2	106,9
Импорт таркиби	100,0	100,0	119,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	12,2	118,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	22,7	20,6	108,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,3	1,6	146,6
қора ва рангли металлар	15,5	11,3	87,3
машина ва ускуналар	29,5	35,1	143,0
хизматлар	7,6	6,8	106,8
бошқалар	11,1	12,4	134,3

Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан, фоизда
(январь-декабрь)



Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан, фоизда
(диаграмманинг ташқи айланаси 2018 йил январь-декабрь, ички айланаси
2017 йил январь-декабрь)

